

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛАНОВ ШАВКАТ МУРТАЗАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ
МАЪНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 323/327:101 (575.1)

**Сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора политологии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on political Sciences**

Мавланов Шавкат Муртазаевич

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий
трансформацияси..3

Мавланов Шавкат Муртазаевич

Духовная трансформация социально-политических процессов в
Узбекистане.21

Mavlanov Shavkat Murtazaevich

Spiritual transformation of socio-political processes in Uzbekistan.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017. S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛАНОВ ШАВКАТ МУРТАЗАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ
МАЪНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Siyos15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-sf.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуранбаев Қаҳрамон Қўчқорович
сиёсий фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

А.Д.Ташанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD).

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси сиёсий воқеликка нисбатан янгича муносабат ва ёндашувни тақозо қилмоқда. Сиёсий жараёнлар нафақат сиёсий тизимларнинг шаклланиш жараёни, маънавий соҳадаги ўзгаришлар кўринишида ҳам намоён бўлмоқда. Содир бўлаётган сиёсий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ички генетик алоқаси маънавиятнинг умумий қонун ва қонуниятларининг янада ривожланиш тенденцияларини ҳам назарда тутди. Шу сабабли ижтимоий-сиёсий жараёнлар динамикаси сиёсий институтлар, субъектларнинг инсон ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлишини талаб қилмоқда. Бундай ўзгаришлар эса ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги маънавий трансформацияни илмий нуқтаи-назардан тадқиқ қилишнинг долзарблигини белгилайди.

Ҳозирги даврда сиёсат нафақат давлат, жамиятни бошқаришда муайян мақсадларига эришишни кўзда тутиши, балки турли ижтимоий гуруҳлар ҳамда давлат ўртасидаги муносабатлар мувозанатини сақлаб турувчи халқнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий эҳтиёжларини қондириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиб амалга оширувчи воситаси ҳамдир. Зеро, сиёсий маданият, мафкура ва маънавият даражаси жамият ҳаётида фуқаро иштирокининг ҳолатини ва даражасини белгилайди. Айнан юксак маънавият ва маданиятга эга инсонлар қонун ва қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини оқилона кузатиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаси кўп жihatдан давлат ва жамият ўртасидаги муносабларнинг тамомила янгича поғонага кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб қолди. Ушбу вазифа амалга оширишнинг асосида эса, фуқароларимизнинг маънавий савиясини ошириш ётади, сиёсий маданият даражасининг юксалиб бориши эса, ана шу фаолиятнинг Конституциямиз ва бошқа қонунларимизни ҳурмат қилиш, жамият барқарорлиги учун масъулиятни доимо ҳис қилиб туриш каби жihatлар билан тўлдиради. Ҳар бир инсоннинг сиёсий маданияти юксалган сари у маънавий ислохотлар фаол субъектига айланиб боради. Айни шу маънавий ислохотлар замирида инсон кадр-қиммати устувор аҳамият касб этади. Ҳозирда давлатимиз олдига қўйган асосий вазифаси ҳам шу халқнинг, фуқароларнинг жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлашдир. Бунда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя устувор аҳамият касб этади.

2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, “Халқ қабулхоналари”ни ташкил қилиш фуқаронинг сиёсатдаги фаол иштироки, маънавий-маданий

савияси ошишига қаратилган бошқа меъёрий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда реал ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий маънавиятимизга таъсири, ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий маънавият билан боғлиқ жиҳатлари ҳақидаги мулоҳазалар ўзининг дастлабки илмий-сиёсий кўринишида Платон, Аристотель, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Халдун, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби Шарқ ва Ғарбнинг буюк мутафаккирлари асарларида ўзига хос талқин этилганини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг жамият ҳаётига таъсирини ўрганиш, уни сиёсий англаш билан боғлиқ назарий-методологик масалаларни тадқиқ этишда Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Р.Жумаев, Н.Жўраев, А.Жалолов, И.Эргашев, И.Соифназаров, А.Холбеков, М.Бекмуродов, У.Идиоров, С.Жўраев, Т.Алмардонов, Қ.Қуранбоев, Т.Каримов, Б.Иминов, И.М.Каримов, Т.Файзуллаев, Ф.Равшанов, К.Иминов, С.Шаропова, А.Эркаев, Ш.Имомназаров ва бошқа шу каби олимларнинг асарлари муҳим методологик манба бўлиб хизмат қилади.

Глобаллашув шароитида дунё миқёсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларга таъсирининг маънавий-ахлоқий муаммоларини ёритиб берувчи тадқиқотлар Л.М.Лопатин, Р.В.Петропавловский, И.Т.Фролов, Савантер Фернандо, Хабермас Юрген, К.Поппер, Ф.А. Хайеклар томонидан олиб борилган. Бироқ бугунги кундаги мавжуд илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформациясининг сиёсий таҳлили мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган ҳолда ўрганилмаганини кўрсатади. Бу тадқиқот мавзуини илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олиншига сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети “Миллий ғоя” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасининг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформациясини сиёсий фан нуқтаи-назардан ёритиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«маънавият» тушунчасини сиёсий баҳолаш ва унинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги инъикосини ёритиш;

маънавий трансформациянинг сиёсий талқин ва таснифларини шакллантириш, бу борадаги назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш; маънавият ва маънавий инқироз ҳақидаги ижтимоий-сиёсий тадқиқотларнинг ривожлантириш зарурати, маънавий ривожланишда миллий сиёсий манфаатлар ўрнини очиб бериш;

глобаллашув жараёнида жамиятнинг сиёсий тараққиёт йўли ва унинг маънавий йўналишларининг стратегик аҳамиятини асослаш;

маданий-маънавий таҳдидларга қарши маънавий-ахлоқий иммунитет мониторингини ишлаб чиқиш;

давлат тузилмаларининг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётини ислоҳ қилишдаги ўрнини замон талаблари ва истиқболли сиёсий концепциялар асосида талқин қилиш;

фуқаролик жамияти институтларининг миллий ва умуминсоний маънавий кадриятларни ривожлантириш сиёсатини миллий ва хорижий тажриба нуқтаи-назардан ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнлар.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформациясини сиёсий маданият ва мафкура нуқтаи-назардан баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тузилмавий-функционал, қиёсий-тарихий, каузал таҳлил, диалектик ва комплекс ёндашув, мантиқийлик, кузатув, сўров усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

маънавий трансформация сиёсий ҳодиса сифатида баҳоланиб, унинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги инъикоси, сиёсий категориал асосларини аниқлашга қаратилган янги ёндашув илгари сурилган;

маънавий трансформация жараён сифатида олиниб, унинг ментал хусусиятлари ва парадигмал ўзгаришлари бугунги сиёсий воқеликка татбиқан очиб берилган;

маънавий трансформациянинг ички ва ташқи динамикаси тамойиллари, технологиялари асосланиб, жамиятнинг маънавий-ахлоқий янгиланишининг сиёсий хусусиятлари очиб берилган;

Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-маънавий ҳаётини ислоҳ қилишдаги ўрни, ижтимоий, маънавий ва сиёсий кадриятларнинг ривожланиш контекстида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

маънавий трансформация намоён бўлишининг хусусиятлари, ижтимоий-сиёсий оқибатларини прогнозлаш ва уларнинг миллий кадриятлар ва миллий сиёсий идентификация тамойиллари асосида чуқурроқ англаб етишга қаратилган кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

маънавият ва маънавий инқирозни чегаралари, маънавий-ахлоқий таҳдидларнинг сиёсий реалликлардаги кўлами аниқланган;

миллий манфаатлар ва маънавий-мафкуравий хавфсизлик нуқтаи-назардан ижтимоий-сиёсий таҳдидларнинг таъсир доирасини аниқлашга қаратилган маънавий-ахлоқий иммунитет мониторинги ишлаб чиқилган;

давлат сиёсий институтларининг ижтимоий-маънавий ҳаётни ислоҳ қилишдаги ўрни реал сиёсий ислоҳотлар нуқтаи-назардан баҳоланган;

миллий ва хорижий тажриба асосида фуқаролик жамияти институтларининг миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни ривожлантириш сиёсати ёритилган;

миллий парадигма нуқтаи-назардан фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтириш тажрибаси изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосаларнинг Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформациясини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам глобаллашув шароитида маънавий ва сиёсий тизимдаги ўзгаришларни илмий жиҳатдан ўрганишга доир тадқиқотларда мазкур диссертациядаги фикр-мулоҳазалар, хулосалар ва тавсиялар назарий аҳамият касб этиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан глобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг жамият маънавий ҳаётига таъсирининг ўзига хос позитив жиҳатларини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, мустақиллик шароитида маънавият соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ижобий ўзгаришларни ушбу йўналишда фаолият юритаётган уюшмалар, жамғармаларнинг фаолияти орқали кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш жараёнида, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тегишли ўқув курсларини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Шарқ ва Ғарб давлатларида маънавий соҳани ривожлантиришга доир хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат Марказнинг “Миллий ғоя

ва мафкуравий тадқиқодларни ташкил қилиш” бўлимида 2016-2017 йилларда амалга оширилган амалий тадқиқодлар давлат грантлари лойихаси доирасида: БМВ-Ф 1-003 “Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадий-лингвистик тадқиқи” мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда фойдаланилди. Шунингдек, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришдаги истиқболли вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган хулосалар, амалий таклифлардан И-2016-1-33 “Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда фойдаланилди. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017 йил 30 ноябрдаги 02/03-1195-сон маълумотномаси). Мазкур диссертация натижаларидан Марказнинг иш режаси ҳамда илмий грант дастурида фойдаланиши, амалиётга жорий этилиши халқимизнинг маънавият соҳасидаги ислохотларга доир билимларининг янада ошиши ва борадаги илмий-назарий қўлланмалар, тадқиқотларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади;

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар трансформациялашувини сиёсий жиҳатдан баҳолаш, илмий-концептуал таҳлил қилишга бағишланган таклифлар асосида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг турли семинарлари, тарғибот материаллари, дебат ва давра суҳбатлари ҳамда маънавий-маърифий режаларни бажаришда фойдаланилди (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2017 йил 15 ноябрдаги 04-13/1932-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида ёшларнинг мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнларни англаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмуни, айниқса уларнинг маънавий-маданий даражасини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг савияси, таъсирчанлиги, амалий аҳамиятининг ортишига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти,

амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Маънавият - сиёсий тадқиқот объекти сифатида” деб номланган диссертациянинг биринчи бобида «маънавият» тушунчасининг сиёсат билан алоқадорликдаги таърифи, чегаралари, тарихий ўзгарувчан характери ва унинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги инъикосини ёритиш, унинг сиёсий талқин ва таснифларини шакллантириш, бу борадаги назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш муаммоси кўйилган. Маънавият ва маънавий инқироз ҳақидаги ижтимоий-сиёсий тадқиқотларнинг ривожлантириш зарурати, уларни ҳар бир халқ, миллат ёки элатнинг ўзликни асраш даражаларини аниқлаш ҳамда уни ривожлантиришда миллий сиёсий манфаатлар ўрнини очиб бериш, глобал ўзгаришлар шароитида жамиятнинг сиёсий тараққиёт йўли ва унинг маънавий йўналишларининг стратегик аҳамиятини асослашга алоҳида эътибор қаратилган.

Замонавий жамиятда инсон маънавиятини ўрганишга доир турли даражадаги сиёсий қарашлар ўзига хос маъно-мазмун касб этмоқда. Бугунги кунда маънавият ҳодисасининг сиёсий мазмун-моҳиятини аниқлаш ва уни атрофлича ўрганишда етакчи ўрин давлат, жамият ва инсон муносабатларининг сиёсий манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, маънавият деганда давлатнинг мавжудлигини таъминловчи ички ботиний куч ҳам назарда тутилади. Чунки айнан “маънавият энг аввало миллатни, миллий маданиятни, миллий турмуш тарзини муҳофаза қилади”¹. Ушбу концептуал қарашларни сиёсатшунослик фани талаблари нуқтаи-назардан атрофлича таҳлил қилиш инсоннинг айни шу маънавий олами ҳақидаги аниқ сиёсий тасаввурларни шакллантиришга ёрдам беради.

Сиёсий муносабатларда маънавиятнинг мавжудлиги ва уни бошқариш тизимини англашнинг янги шакллари юзага келишига имкон беради. Сиёсий муносабатларда маънавиятнинг ривожланиши умумий объектив қонуниятларга эга: сиёсий манфаатларни амалга оширишга интилиш, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятидан маъно излаш, янги сиёсий кадриятларга ишонч ва уларни танлаш, ўзлаштириш эҳтиёжи ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу маънода, маънавият сиёсий муносабатлар соҳасида кўп вазифаларни қамраб олади. Жумладан, маънавият инсонни жамиятда мавжуд сиёсий тартибларга мослаштириш усули ҳамдир. Чунки айнан “Инсон ижтимоий муҳитда ўз эҳтиёжларини қондириш ва ўз имкониятларидан фойдаланиш йўлини топади. У айнан шу ерда ўз ҳистуйғуларини, табиат ато қилган самимийлик, дўстлик меҳрибонлик, бағрикенглик ва изтироб чекиш фазилатларини кўрсатади”². Шунинг учун ҳам сиёсий муносабатлар тизимида қандай хулқ-атвор мақсадга мувофиқ бўлишини англаш учун инсонни маънавиятининг энг муҳим даражаларини кўриб чиқиш керак бўлади. Бу каби имконият – комил инсонни вояга

¹ Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.54.

² История в энциклопедии Дидро и Д.Аламбери. - М.: Наука,1978. - 63 с.

етказиш билан характерланади. Уни тарбиялаш жамиятнинг ва ҳар бир индивиднинг жисмоний ва манавий жиҳатларининг тўлиқ пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Маънавиятни англаш сиёсий жараёнларнинг барча жабҳаларида аҳамиятли ҳолатларни англаш билан боғлиқ. Чунки сиёсат хатто турли ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ҳам бу муаммо ўзига хос аҳамиятга эга. Бундан ташқари, сиёсий ҳокимиятга нисбатан очиклик, виждонлилик, эркинлик, тенглик, жамоавийлик принциплари ҳақиқатан ҳам демократик жамиятга хос ва улар маънавиятнинг сиёсий асосларини яратилиши ва сақлаб қолинишига асос бўлиб хизмат қилади. Чунки Э.Тоффлер таъкидлаганидек, “Ер қимирлашидан олдин унинг тектоник қатламларида силжиш бўлганидай, жаҳон тарихида жуда ноёб ҳодисалардан бири содир бўлмоқда – ҳукмронликнинг ўз моҳияти ўзгармоқда”.¹ Шу нуқтаи назардан қараганда, айнан, сиёсат маънавиятни бошқарувчи ва ташкиллаштирувчи моҳиятларни ўрганиш орқали сиёсий жараёнларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлик хусусиятини кўрсатади. Бу айниқса ҳозирги дунё ҳамжамиятида юзага келган сиёсий мураккабликлар ва иқтисодий инқироз шароитида муҳим, чунки бундай муносабатнинг ортидан турли даражадаги сиёсий ихтилофларнинг содир бўлиши эҳтимоли ҳам мавжуд. Масалан, бугунги глобал сиёсий ўзгаришлар шароитида ҳаётнинг маънавий асосларнинг инқирози ҳам фожеали тус олмоқда. “Оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган “йўқотилган авлод” муаммоси нафақат файласуф олимларни балки сиёсатчиларни ҳам диққат марказидадир.

Ҳозирги даврда маънавият ва унинг муаммоларини сиёсий жиҳатдан идрок қилмасдан туриб, қандай қилиб давлат ва жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари аниқлаб олиш мураккаб ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда инсоннинг дунёдаги ўрни, XX аср охирларидаги сиёсий ўзгаришларни инсон маънавиятига таъсири, маънавий инқирозларни олдини олишдаги хавфсизлик стратегиясини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Айниқса мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда фуқароларнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини реал мавжуд бўлган маънавий трансформация орқали талқин этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳар бир жамият маънавиятга эҳтиёж сезади ва шу боис маънавият ривожини содир бўлади. Чунки, жамиятдаги сиёсий ўзгаришларнинг ўзи ҳам маънавият даражаси билан белгиланади, маънавият ривожини эса шахс сиёсий дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон номи билан аталмиш диёримиз ва халқимиз доимо маънавиятга эҳтиёж сезиб яшаган, унга интилган ва кўп жиҳатларда маънавиятли халқ сифатида тилга олиниб келинган. Шу боисдан ҳозирда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифа эканлиги қайд этилмоқда. Бошқача айтганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган,

¹ Тоффлер, Элвин. Третья волна. М.: АСТ, 2004, - 784 с.

Ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтилишида шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жихатдан баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш зарурлиги устувор аҳамият касб этмоқда. Айтилишида шу маънода, биз Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси масаласини тадқиқ ва таҳлил этишда янги ёндашув, стратегик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш долзарб масалалардан ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратдик. Чунки бугунги кунда сиёсий жараёнлар нафақат сиёсий тизимларнинг шаклланиш жараёнини, балки маънавий тизимдаги ўзгаришлар кўринишида ҳам намоён бўлмоқда. Сиёсий ва ижтимоий воқеаларнинг ўзаро алоқаси маънавийнинг умумий қонун ва қонуниятларининг янада ривожланиш тенденцияларини ҳам назарда тутди. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий жараён динамикаси сиёсий институтлар, субъектларнинг инсон ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлишини тақозо этади. Бу йўлда тебранишлар ва чекинишлар, таназзулнинг узок ва давомли вақтлари, ноаниқ даврлари ҳам намоён бўлиши мумкин.

Маънавий бугунги кунда бевосита сиёсий кадрлар инқирози муаммолари билан боғлиқ ҳолда ҳам намоён бўлмоқда. Яъни сиёсий кадрлар табиати, уларнинг мезонлари, миллий ва умуминсоний, шахсий ва жамоавий кўринишларининг ўзаро нисбатини аниқлашда турли зиддиятли фикр-мулоҳазалар пайдо бўлмоқда. Шу маънода, сиёсий кадрлар инқирозини маънавий талаблари асосида ўрганиш амалий идрокни юқори даражада ишга солишни, аниқ мақсадли ва уларга мос сиёсий билимлар иерархиясини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳозирги даврдаги антропологик муаммолар сиёсий кадрлар инқирози билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Инқироз бу бирон бир объектнинг, жараённинг ўз таракқиётида муайян чегаравий босқичга етиб келганини, у бундан буён аввалгидай қолиши мумкин эмаслигини, унинг трансформацияланиши (сифат жихатдан ўзгариши) вақти келганини ифодаловчи тушунчадир. Сиёсий кадрлар инқирози давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини “олий мақсадлар”га олиб бормайдиган мақсад ва истаклар асосида бошқарилишининг оқибати сифатида намоён бўлади. Чунки инсонлар жамиятининг саноат босқичидан ахборот босқичига ўтиши нафақат инсон турмуши шароитларининг миқдорий жихатдан ўзгаришига, балки инсон сиёсий табиатининг салбий томонга ўзгаришига ҳам олиб келмоқда.

Диссертациянинг «**Замонавий жамиятдаги ижтимоий-сиёсий трансформациянинг маънавий ҳаётга таъсири**» деб номланган иккинчи бобида биз маданий-маънавий таҳдидларга қарши маънавий-ахлоқий иммунитет мониторингини ишлаб чиқиш, миллий маънавий хавфсизликни таъминлашда сиёсий технологияларнинг аҳамиятини ёритиш ҳамда ривожланган Шарқ ва Ғарб давлатларидаги маънавий-ахлоқий жихатдан англашнинг сиёсий хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Республикамизда амалга оширилаётган иктисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий ва маориф тизимидаги ислохотлар нафақат фаровон турмуш тарзини йўлга қўйиш, балки маънавияти юксак янги авлодни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий муҳитни яратишни назарда тутди. Шу билан бирга бугунги кунда инсон ва дунёнинг ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини, сиёсий нуқтаи назардан долзарб ҳисобланади.

Маънавиятнинг тарихий ўзгарувчан характери айниқса унинг сиёсат билан боғлиқлик жиҳатларини ҳаётда бўлаётган жуда кўплаб ўзгаришлар мисолида аниқ кўришимиз мумкин. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси унинг барча ташкил этувчилари – қатнашчилар ва иштирок усуллари ҳамда сиёсий институтлар, улар ўртасидаги муносабатлар, улар билан ва жамият ўртасидаги муносабатларга ҳам тегишли бўлади. Шу билан бирга, биринчидан, маънавий ҳаётдаги туб ўзгаришларга аниқ субъектлар, улар ҳақидаги тасаввурлар катта таъсир кўрсатади, иккинчидан, маънавият соҳасини юксалтиришда фаол иштирок этаётган объект ушбу ўзгаришлар давомида субъектга айланиб, фаол хусусият касб этади, учинчидан, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси макон ва замондан келиб чиқади ва ниҳоят, субъектнинг ўзи, миқдор ва сифат жиҳатдан ҳам кўринишини ўзгартиради ва шу тариқа, субъект ривожлана боради.

Бугунги кунда дунёнинг инсон ҳаётига хавф солувчи ҳодисаларидан бўлган ва тобора шафқатсиз тус олаётган чеки йўқ урушлар ва зиддиятлар, «XXI аср вабоси» деб ном олган террорчилик, жамиятда турли хил «фобия»ларнинг кенг тарқалиши, ҳар бир индивидуал онгнинг зарарли стереотипларга мойиллиги жамият ва инсон ҳаётида миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг мазмунини чуқурроқ тушунишга имконият яратди. Бугунги кунда миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатини ҳаётга кириб боришига шунчаки оддий бир ҳодиса эмас, балки бутун инсониятнинг янги асрда тирик қолиши шарти сифатида қаралмоқда. Тўғри, жамиятда миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсати кўп асрлар мобайнида шаклланиб келди ва бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. У янгидан-янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимида мазмунан ва моҳиятан бойиб бормоқда.

XXI асрда ҳар бир давлат ўзининг маънавий хавфсизлик концепциясига эга бўлишга интилмоқда. Чунки бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар давлатлар тақдирига у ёки бу даражада таъсир этмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар қачонгидан ҳам бугун маънавий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти устувор ўринни эгалламоқда. Шунинг учун ҳам маънавий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий методологиясини ишлаб чиқиш ҳам энг муҳим долзарб масаладир. Чунки аксарият давлатлар тақдир ва ривож бевосита маънавий хавфсизликни таъминлашга боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маънавий хавфсизликни таъминлаш соҳасини ўрганиш ҳар доимгидан ҳам зарур ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсати узоқ ўтмиш тарихи, манбаасига ҳам эга. Ўз навбатида тарих ҳам моҳиятан миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатини қанчалик даражада оқилона ташкил этилганлигига боғлиқ. Тарихий тажриба эса, миллий тарихий хотирамизда маънавий хавфсизликни таъминлашни қанчалик даражада кучли муҳрланганини кўрсатади. Лекин, шунга қарамасдан, келажакда мамлакатимизда шу бугунгидек осойишталикни таъминлаш нуқтаи назаридан, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қардош халқлар ҳамжиҳатлигини таъминлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришга эришиш ҳам долзарб муаммолардан бири саналади. Зеро, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик устуворлик касб этган заминда тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлади, юрт тараққий этади. Шунингдек, бугунги кунда миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатини ривожлантириш механизмлари бутун ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими, конституционал-демократик ҳуқуқлар ва эркинликларга риоя қилиниш даражаси, шахс ва умуман жамиятнинг маънавий маданияти савияси билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда жамиятни янгилашиш ва модернизациялаш сиёсатини амалга оширишда миллий маънавий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш бевосита маънавий хавфсизлик таъминлаш сиёсатини юксалтириш билан боғлиқдир. Шу нутқтаи-назардан қараганда, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, маънавий-маданий глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари айниқса унинг ахлоқий муаммоларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилишимиз зарур. Айнан шу жараёни чуқурроқ таҳлил этиш орқали давлат ва жамият маънавий тараққиётини тўғри йўналтириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, халқимизни, айниқса, ёшларни ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом дунёқарашга, мустақил иродали, бой маънавиятга эга инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳар қандай мафкуравий тазъийқ ва маънавий таҳдидларга зарба беришга тайёр этиб тарбиялаш вазифаси долзарб бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, бугунги кунда аксарият жамиятшунос олимларимиз Шарқ ва Ғарб маънавий маданиятини ўрганишга, мустақилликнинг назарий муаммоларини ёритишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунинг ҳам айтиш жоизки, бу соҳада қилинаётган илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг натижалари ҳозирги замон талабларига жавоб бермоқда десак адашмаган бўламиз. Шарқ ва Ғарб маънавий маданиятига умуминсоний кадриятлар тизими сифатида қараш, бу борада тарихий мерос ва бошқа мамлакатларнинг миллий маданий тажрибасидан фойдаланиш, бу соҳадаги илмий изланишларни Ўзбекистон олдида турган кенг қамровли вазифалар билан сиёсатшунос олимлар олдида турган муҳим вазифалардир. Зеро, бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлган. Бу табарруқ заминдан буюк зотлар, олиму-

уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққан, дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, илм-фан тараққиёти билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс бўлган.

Хуллас, бугун Ғарб ва Шарқ тафаккур тизимларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш вақти етиб келди, деб ўйлаймиз. Зеро, гарчи Ғарб аниқ билим соҳасида муваффақият қозонган бўлса ҳамки, Шарқ дунё ва инсонни ҳарёклама умумлашган равишда ва тўғри тушунишда ўзига хос ўринни эгаллайди. Шарқ кадриятлари ўз ўзанида ривож топиб бориши билан бир қаторда инсониятнинг келгуси тараққиётига замин бўлиб хизмат қилди ҳамда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бугунги глобал маънавий ўзгаришлар шароитида ҳам Шарқ тамаддуни ва маданияти халқларни маънавий ва руҳий жиҳатдан буюк ўзгаришларга тайёрлашда маёқ вазифасини ўтаб келмоқда, десак хато қилмаган бўламиз.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ижтимоий-маънавий ҳаётини модернизациялашда сиёсий институтларнинг роли**» номли учинчи бобида давлат ва ҳокимият тузилмаларининг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётини ислоҳ қилишдаги ўрнини сиёсий институтчионал хусусиятларини замон талаблари ва истиқболли сиёсий концепциялар, фуқаролик жамияти институтларининг миллий ва умуминсоний маънавий кадриятларни ривожлантириш сиёсатини миллий ва хорижий тажриба нуқтаи-назардан ёритиб, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтириш тажрибасини илмий-амалий нуқтаи-назардан баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Сиёсий ҳаётда маънавият мезони олий мақсадга мувофиқлик билан характерланади. Шунинг учун ҳам маънавиятни муайян сиёсий мақсадлар тизими сифатида илмий англаш учун янги методологик ёндашувни ишлаб чиқиш, маънавият ҳодисасини сиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш предмети ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш долзарб ҳисобланади. Анаъанавий сиёсий муносабатлардаги маънавият қисман, манфаатпарастлик, маккорона эмас, умумий, глобал оқиллик демакдир. Ҳудди шундай маънавият феномени дунё цивилизациясининг инсонпарвар ўлчовидир. Бундан ташқари, ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришларни англашга интилаётган ҳар бир инсоннинг сиёсий онгини шаклланиши жамиятнинг маънавий, маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Дарҳақиқат, маънавий, маърифий тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция-фирибгарликнинг объекти бўлиб қолаверади. Яъни, маънавий кашшоқликка юз тутган инсон жамият англаган сиёсатдан ташқарида бўлади. У сиёсий ҳаракатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолаверади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий, маърифий соҳаси қанчалик юқори бўлса унинг шунчалик сиёсий билими юқори ва кадрли бўлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва

ошкоралигини таъминлаш, аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиб бориш, бу борада ахборот эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини олиб бориш — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, изчил ва тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида хабардор қилишга қаратилган муайян қонунчилик базаси яратилганини таъкидлаш жоиз.

Глобал сиёсий майдондаги ўзгаришлар сабаб жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар авж олмоқда. Бундай уринишлардан кўзланган асосий мақсад муайян сиёсий кучлар, марказлар ва давлатларнинг жаҳон миқёсида ўз таъсир доирасини кенгайтириш, ўзга халқларни тобе қилиш, уларни бўйсундириш ва моддий бойликларга эга бўлишдан иборатдир. Эндиликда улар очиқ ҳарбий куч ишлатиш усулидан кўра кўпроқ халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай сиёсий усулларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, қанча маблағлар сарф қилиб бўлса ҳам ўз ғояларини ўзга халқлар онига сингдириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий, миллатчи, шовинистик, диний экстремистик характердаги мафкуравий таҳдидлар, қўпоровчилик ҳаракатлари шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнини шошма-шошарлик билан амалга ошириб бўлмайди. Агар ушбу ҳолатни босқичма-босқич мунтазам амалга оширмайдиган бўлса, турли хавфли, ноҳуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган даврда демократик тамойилларни шакллантириш, фуқаролар ижтимоий – сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик меъёрлар асосида кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, жамият ҳаётида жамоат ва нодавлат ташкилотлар фаоллигини ошириш каби вазифалар умуминсоний қадриятларни ўзида ифода этган ҳолда маънавият билан туташади. Агар демократияни юксак маънавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти сифатида эътироф этадиган бўлсак, фуқароларнинг маънавий етуклиги демократик тамойилларни тўлиқ англаш омили эканлигини тушунамиз. Чунки демократияни олий қадрият даражада тушуниш бевосита ҳар бир фуқаронинг ички маданиятининг юқорилиги, маънавий қиёфаси, бутун бир миллатнинг интеллектуал савияси, сиёсий ва ижтимоий фаоллигига боғлиқдир. Инсоннинг маънавий етуклиги демократик тамойилларга, ахлоқ-одоб ва ҳуқуқ нормаларига риоя этишни таъминлайди. Фуқаролик

жамиятининг юқори даражаларига эришишнинг энг муҳим шартларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурч масаласидаги қарашларининг тўғри шаклланишидир. Жамият ҳаётида, фуқаролар ҳатти-ҳаракатида нафақат инсон ҳуқуқларининг таъминланиши етакчи ўринга чиқарилиши керак, балки у билан бир даражада фуқаронинг фуқаро олдидаги ва қолаверса, жамият ва давлат олдидаги бурчларини англаши ва амалда ўз тасдиғини топиши лозим.

Фуқаролик жамиятининг институтлари уларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ёшларнинг сиёсий маданиятини, фаоллигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазибаларини амалга оширишда ҳар бир ёшнинг жамиятда ўз ўрни бўлишини билиш, энг муҳими, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб, тушуниши улкан аҳамият касб этади. Бу ўз масъуллигини англашга эришишда мавжуд демократик институтлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Чунки, жамиятда яшаётган ҳар бир ёшнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти мавжуд сиёсий институтлар, партиялар ёки нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали амалга ошириладиган демократик сиёсий жараёнларда акс этади. Бу бир томондан, ёшларнинг сиёсий фаоллик даражасига, уларнинг сиёсий қарашларини идрок этиб, иштирокига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жамиятдаги мавжуд ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг иш фаолиятига, ёшларни ўз атрофига бирлаштиради.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида, фуқаролик жамияти институтларининг ҳам алоҳида функциялари бўладики, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доираси ёхуд белгилаган фаолиятлари у ёки бу томонга озгина ўзгариши натижасида ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниши, четга чиқиб кетиш ҳоллари содир бўлиши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги тараққиёт амалиёти кўрсатди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу каби жамиятда шаклланган фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, унинг институтлари тизимидаги барча – давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва сиёсий фаоллиги даражаси юқорилигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Замонавий маънавий-ахлоқий ва маданий идентификация асосида шаклланган миллатнинг ўз-ўзини англаши, таълим тизими сифатини юксалтириш қаратилган давлатнинг оқилона сиёсати, миллий тараққиётга етаклайдиган ҳаракатлар стратегияси бу ўринда муҳим аҳамият касб этади. Германия ва Япониянинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги миллий тараққиётидаги кескин ижобий ўзгаришларни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Агар ана шундай вазиятда халқнинг руҳан тетиклиги, ғоявий бирлиги бўлмаса, жамият сиёсий ҳаётида ҳеч қандай самарадорликка эришиб бўлмайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси мазмун-моҳияти намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш куйидаги хулосаларни илгари суриш имконини берди:

1. Маънавиятнинг сиёсий тизим сифатидаги тараққиётини тадқиқ ва таҳлил қилиш методологик жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланиб, биринчидан, замонавий сиёсатшунослик муаммоларининг ривожланиш хусусиятларини қиёсий ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан асосланади. Иккинчидан, ханузгача хорижий илмий адабиётларда объектив ёритилмаган миллат маънавиятини юксалтириш сиёсати билан боғлиқ илмий-тарихий ҳақиқатларни ёшларимиз англаб етишида мазкур тадқиқот назарий-фундаментал манба бўлиб хизмат қилади.

2. Глобаллашув жараёнида сиёсий ўзгаришлар инсон ҳамжамияти ичидаги муносабатлар тенгсизлик ва адолатсизликни ҳам намоён этмоқда. Яъни, бир қутубда бир дунё бойлик тўпланаётган бўлса, иккинчи қутубда - қашшоқлик, камбағаллик, касалликлар очарчилик авж олмоқда. Шунингдек, баъзи давлатларда ижтимоий-иқтисодий танглик ва кескин сиёсий келишмовчиликлар ва конфликтлар (дискриминаци, минтақавий зиддиятлар, террорчилик ва бошқа глобал хавфлар) авж олмоқда. Мазкур тадқиқотда айни шу муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилинган.

3. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихидаги залворли даврлар ҳам, фожеали кунлар ҳам миллатнинг маънавий-ахлоқий ҳаётида ўз муҳрини қолдирган. Зиддиятли тарихий даврларда шаклланган миллатнинг менталитетида, характерида ғайриахлоқий иллатлар мавжудлиги ҳам тарихий факт. Яъни, мустабид тизимга астойдил хизмат қилган мансабпарастлар, маддоҳлар, иккиюзламачилар, лаганбардорларда сиёсий тизимнинг мунтазам олиб борилган аёвсиз таъқибларида сотқинлик қилиш орқали маълум имтиёзларга эгаллик қилишга интилиш кайфияти устуворлик қилган.

4. Ҳар қандай илмнинг тарихисиз назарияси бўлмайди, деган ҳикмат, айниқса, маънавий ахлоққа тааллуқлидир. Зеро, ахлоқ тарихи ахлоқий тафаккурнинг вужудга келиши, маънавий мероснинг улкан, қисми бўлмиш ахлоқий таълимотлар, ҳикматлар, пандларни замонавий жамият ҳаётига тадбиқ этиш ва тарғиб қилиш йўлларни таҳлил этади ва ёшлар онгида

ахлоқий нормаларни шакллантиради. Гарчанд ҳар бир ахлоқий концепция маълум бир мутафаккир мулоҳазалари ва фаолиятининг меваси бўлса-да, у, мохиятан, муайян тарихий давр талабларидан келиб чиқади. Айти пайтда ёшларда турли одоб ва этикет қонун-қоидаларини ўз ичига оладиган ахлоқий тарғибот муаммолари, ахлоқий панд-ўғитлар ва меъёрлар талабларни бажариш, ахлоқий бошқариш соҳасини ўргатади.

5. Ёшларнинг ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятини танқидий баҳолаши ҳам, ўзлигини англаши ҳам маънавий-ахлоқий ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезон ҳисобланади. Энг муҳими, биринчидан, шахс фақат эркин бўлгандагина ўз тарихини, ҳозирги фаолиятини холис таҳлил қилиши ва баҳолаши мумкин. Иккинчидан, унинг эркинликка бўлган ишончи ва интилиши ижтимоий-амалий ҳаракатини белгилайдиган маънавий-ахлоқий асосларнинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 27.06.2017.Ф.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

МАВЛОНОВ ШАВКАТ МУРТАЗАЕВИЧ

**ДУХОВНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЦИАЛЬНО-
ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

23.00.02 – Политическая культура и идеология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) по ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема докторской диссертации (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fa15

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (ik-falsafa.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Куранбаев Кахрамон Кучкарович**
доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ведущая организация:

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г.Ташкент, Университетская улица, дом 4. Аудитория-117 1-этажа зданий Факультета социальных наук Национального университета Узбекистана. Тел.:(99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). Адрес: 100095, г.Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2017 года
(реестр протокола рассылки №__ от ____ 2016 года).

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.с.н., профессор
Ш.И.Пахрутдинов,

Учёный секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, доктор философии (PhD)
А.Д.Ташанов,

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени доктора наук, д.с.н., профессор
А.Г.Муминов

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 27.06.2017.Ф.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

МАВЛОНОВ ШАВКАТ МУРТАЗАЕВИЧ

**ДУХОВНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЦИАЛЬНО-
ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

23.00.02 – Политическая культура и идеология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) по ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема докторской диссертации (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fa15

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (ik-falsafa.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант: Куранбаев Кахрамон Кучкарович
доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ведущая организация:

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г.Ташкент, Университетская улица, дом 4. Аудитория-117 1-этажа зданий Факультета социальных наук Национального университета Узбекистана. Тел.:(99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). Адрес: 100095, г.Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2017 года
(реестр протокола рассылки №__ от ____ 2016 года).

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.с.н., профессор
Ш.И.Пахрутдинов,

Учёный секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, доктор философии (PhD)
А.Д.Ташанов,

Председатель научного семинара при Научном
